


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ**

*«Ижтимоий фанлар» кафедраси*

**«ЁШЛАР САЛОҲИЯТИ ВА  
ИНСОН КАПИТАЛИ: МУАММО  
ВА ЕЧИМЛАР»**



**Республика илмий-амалий конференцияси**

**(«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини  
мустаҳкамлаш» йилига бағишланади)**

**Бухоро – 2021**

Бухоро муҳандислик технология институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси томонидан ташкил этилган Республика илмий-назарий анжумани «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш» йилига бағишланган бўлиб, ушбу тўпламга киритилган мақолаларда Ўзбекистонда инсон ижтимоий тараққиёти ва соғлом турмуш тарзини таъминлашнинг меъёрий ҳуқуқий асослари, таълим-тарбияни ривожлантириш ҳамда илм-фан ва таълим инновацияларини тараққий эттириш, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш шарт-шароитлари тўғрисида илмий-назарий ва амалий таклиф ҳамда мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

**Масъул муҳаррир:**

**Э.Х.Зоиров** – Бухоро муҳандислик-технология институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудири, доц.,ф.ф.н.

**Тахрир ҳайъати:**

**Ф.М.Бафоев** – Бухоро муҳандислик-технология институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти, с.ф.н.

**Л.С.Султанова** – Бухоро муҳандислик-технология институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси

**Такризчилар:**

**Б.Т.Мирзақулов** – Бухоро муҳандислик-технология институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти, т.ф.н.

**Ю.Ҳайдаров** – Бухоро вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази, «Ижтимоий-иктисодий фанлар методикаси» кафедраси мудири, доц.т.ф.н.

яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак»<sup>1</sup>.

Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини яратиш таълим ислохотларининг асосий вазифаси сифатида илгари сурилаётган бир вақтда Учинчи Ренессанс мазмун-моҳиятини ўқувчилар онги ва қалбига сингдириш учун ўрта аср алломаларининг тарих ва жамият ҳақидаги қарашларини ўрганиш ҳам ҳозирги даврнинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бу мақсадни рўёбга чиқаришда Ибн Халдуннинг тарих ва жамият ҳақидаги қарашларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## **ЁШЛАРНИНГ ТАРБИЯСИДА ШАКЛЛАНИШЛАРИДА ФОРОБИЙ БИЛИМЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

*Муртазаев Ш.Б. – Бух ДУ «Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа»  
кафедраси ўқитувчиси*

Жаҳондаги машҳур ва унчалик машҳур бўлмаган фалсафий тизимларнинг деярли барчаси марказида инсон муаммоси туради. Ҳурматли Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг инсон муаммосига ёндошувида Шарқ файласуфларининг, хусусан Абу Наср Форобийнинг инсон моҳиятини талқин қилиши ижодий ривожлантирилган. Форобий инсонни олами суғро, яъни катта олам, деб, коинотни эса олами кубро, яъни катта олам, деб атаган эди. Форобийнинг инсон муаммосига ёндошувини тўла илғай олмаган баъзи фалсафа тарихчилари, уни Юнон фалсафаси, хусусан, Арасту фалсафасининг таржимони, деган эдилар. Бу баҳодаги ноаниқлик, аввало шундаки, Форобий Арасту асарларининг таржимони эмас, шарҳловчиси бўлган. У шарҳловчи сифатида ҳам шу қадар буюк рол ўйнаганки, бу нарса уйғониш даври Европа фалсафаси, фани, адабиёти ва санъатининг ривожига жуда катта туртки берган<sup>2</sup>.

Форобийнинг маънавият ва маърифат ҳақидаги фалсафий таълимоти негизида инсон ва унинг ақл-идроки сингари кўплаб масалалар ўз ўрнини олгани эътиборга сазовордир. Унингча, инсон ўзининг фаол ақл-идроки,

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар - Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Янги Ўзбекистон”, 2020-йил, 1-октябрь.

<sup>2</sup> Абдуллажон Бегматов. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. “Шарқ” нашриёти. 2000. 55-бет.

қобилияти, истеъдоди, тафаккури ёрдами билан табиатни, борлиқни, материяни, ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар моҳияти ва мазмунини билади. Шунинг натижасида инсон улуғ бахтга эришади, эришмоқда ҳам.

Мутафаккир олимнинг фикрича, ички руҳий, маънавий кучлар инсонга табиатни объектив баҳолашга имкон беради. Инсоннинг руҳий, маънавий кучлари танасининг жисмоний ҳолатига таъсир эта олади. «Рухан касал одамлар, – деб ёзади олим, – ҳам ёмон истаклари ва одатлари туфайли бузилган тасаввурларига қараб, ёмон (ахлоқсиз) феъл-ҳаракатлардан хузурланадилар ва гўзал қилиқларни, ишларни ёқтирмайдилар ёки умуман гўзалликни тасаввур қилмайдилар»<sup>1</sup>. Демак, маънавий, руҳий эҳтиёжлар, имкониятлар, энг муҳими, тана етуқлиги ҳар томонлама комил ва етук инсоннинг асосий жиҳатларидир. «Ҳар бир инсон, – деб ёзади аллома, – ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етуқликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуқликка эришув учун зарур бўлган нарсалари етказиб беради.

Рухий субстанциянинг танадан ташқари мустақиллигини эътироф этган Форобий, мусулмон теологлардан фарқли ўларок, рухнинг бутунлай тана ва жисмга чамбарчас боғлиқлигини ҳам ёқлайди. Жисмоний, маънавий, руҳий етуқлик ғояси Фозил шаҳар ҳокимининг фазилатларида (тўрт мўчали соғлом бўлишда, табиатан фаросатли, хотираси кучли, зехни ўткир, зукко, ўз фикрини равшан тушунтира олиши, таълим олишга, билим, маърифатга, ҳавасли, машаққатдан қочмайдиган, очофат эмас, ҳақ ва ҳақиқатни севадиган, ёлғонни ёмон кўрадиган, ўз кадрини билувчи, номус-ориятли, табиатан адолатпарвар ва ҳ.к.) ўз ифодасини топган<sup>2</sup>.

Олим инсон ҳақиқий камолотга етиши учун, аввало, илмий билимларга эга бўлиши зарурлигини уқтиради. Бунинг учун инсон ақлий хислатларни эгаллаши лозим бўлиб, тарбиячи эса шогирдидаги ана шу фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Форобий инсон фаҳм-фаросати, фикрлаш, мулоҳаза юритиш қобилиятини тўғри йўлга қўйиш орқали ақлий ва ахлоқий камолотга етади, табиат ва жамият қонунларини тўғри билиб олади, ҳаётда

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: “Халқ мероси” нашриёти, 1993, 166-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 159-бет.

тўғри йўл тутди, деган фикрни илгари суради. Мутафаккир айтиши пайтда таълим ва тарбияга таъриф бериб, таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия эса назарий фазилатни, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган зулқ меъёрларни ва амалий малакаларини ўргатишдир, деган. Хулқ-аворга сўз билан эмас, балки амалда эришиш мумкинлигини тушунтирган. Жисмоний етуклик, интеллектуал камолот, юксак ахлоқий ва эстетик фазилатлар ҳар томонлама етук, маънавий инсоннинг асосий тавсифларидандир.

Фаробийнинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидаги фикрлари унинг инсон ҳақидаги таълимоти учун хизмат қилади, унга буйсундирилгандир. Ақлга эга бўлиш, билимли, мантиқли бўлиш билан чегараланмай, у маълум ахлоқий принципларга, ахлоқий маданиятга эгаллик билан яқунланиши керак.

Фаробий ақлли инсон ҳақида гапириб бундай ёзади: «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зехн-идроққа эга бўлганларни ақлли деб бўлмади, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим»<sup>1</sup>.

Инсоннинг имкониятларини баҳолашда Фаробий унинг ташқи ҳамда ички (руҳий, маънавий) гўзаллигини диний тасаввурлар билан боғламади. Олимнинг ҳар томонлама баркамол, етук шахс ҳақидаги қарашлари инсоннинг ҳақиқий маънодаги маънавий озодликка эришувига олиб келади ва унинг чексиз маънавий ижодкорлигини таъминлайди.

Фаробий фалсафасида бахт масаласи алоҳида ўрин тутди. Олим фикрича, инсоннинг ахлоқий фазилатлари туғма хусусиятга эга эмас. Инсон табиатан ёмон, яхши фазилатларни ўзида мужассам қилиб туғилмайди. Инсонда қандайдир «ахлоқий мойиллик» мавжуд. Ана шу «ахлоқий мойиллик» инсоннинг ўз ҳаёти давомида амалга оширилаётган фаолият таъсирида у ёки бу томонга ўзгариб бориши мумкин. Инсон у ёки бу мақсадга эришишда ўзига маъқул келадиган ҳаракатларни амалга оширади. Одамларнинг ҳар бири умумий ва хусусий билимлар ҳамда фаолиятлар орқали саодатга эришадилар. «Ҳар бир шахс, – деб ёзади Фаробий, – бахт-саодатга элтувчи фаолият билан қанча узоқроқ ва аввалгидан янада яхшироқ шуғулланаверса, унинг кўнгли, руҳий ҳолати ҳам шунга мувофиқ комилроқ,

<sup>1</sup> Маънавий юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т-2001 й. 78-бет.

фозилроқ бўлиб боради. Гўё мохир хаттот хуснихат билан узлуксиз шуғулланаверганида дастхати тобора гўзаллашиб, бундан тобора ўзининг ҳам завқи-шавқи ошиб бораверганидек, камолот орқали бахт-саодат топишга интилувчи зот ҳам қалби тобора покланиб, яхшиликлар қилганига ўзининг ҳам кўнгли ўсиб, завқи-шавқи ошиб бораверади. Бундай зотнинг кўнгли руҳий – руҳий шу қадар юксалиб, гўзаллашиб, баркамоллашиб борадики, энди унинг унинг руҳи моддий таянчларга ёки воситаларга боғлиқ бўлмай, тобора улардан озод бўлиб боради ва охири моддий ҳолатининг вайронлиги ёки йўқолиши баркамол руҳ учун аҳамиятсиз бўлиб қолади»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам бундай фикрлар инсоннинг руҳи тўғридан-тўғри инсон маънавияти деб ифодаланганлигини билдирмайди, аммо руҳий олам баркамоллиги инсон ички гўзаллиги ва ахлоқи унинг маънавияти негизиди шаклланади.

## УМАР ХАЙЁМ ФАЛСАФАСИДА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ АҲАМИЯТИ


*Шодиев Ж.Ж. – Бухоро муҳандислик-технология институти  
«Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси*

Умар Хайём ижоди ўзига жуда кўп мухлисларни тортади ва уларнинг қалбида нозик ҳис – туйғуларни уйғотади. Бунинг сири нимада? Умар Хайём бизнинг давримизда ҳаётнинг хурсандчиликлари, гўзаллик, севги ва муҳаббат куйчиси сифатида машҳур бўлган. Ваҳоланки, Умар Хайёмнинг бутун дунёга машҳур бўлган рубоийларидан ташқари, кўпгина математика соҳасидаги асарлари, фалсафий рисоалари ва астрономия фанига оид кўпгина тадқиқотлари ҳам бўлган.

Ҳақим Умар Хайём илоҳиёт, табиёт ва риёзиёт илмларидан огоҳ бўлган буюк аллома ва шоирдир. Бинобарин, унинг ижодидан таълим ва тарбия жараёнида унумли фойдаланишимиз керак. Хусусан бугунги кунда ёшларимизни билимини бойитиб уларнинг маънавиятини оширишимиз учун мунтазам равишда китобхонликка қизиқишларини ошириб бориш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари сирасига киради.

Оллоҳ илми, инсон билимидан фарқланади. У ўз зоти, мазмун-моҳиятидан тўла-тўқис хабардор. Унинг билими тадрижий ўзгаришларга муҳтож эмас, чунки бундай билим билмасликдан билишга, ноаниқликдан аниқликка томон йўналмаган, у аслида баркамол, мутлақ» илмдир. Шундай

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: “Халқ мероси” нашриёти, 1998, 164-бет.



## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЁШЛАР – ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИДАГИ АСОСИЙ УСТУВОР ЙУНАЛИШ</b> .....	<b>5</b>
<b>ВАҚТНИ ҚАДРЛАШ – ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИ. <i>Наврўзова Г.Н.</i></b> .....	<b>5</b>
<b>ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. <i>Умаров А.А.</i></b> .....	<b>8</b>
<b>ЁШ АВЛОД МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ. <i>Рашидова М.К.</i></b> .....	<b>12</b>
<b>ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. <i>Аблакулов Ш.Д.</i></b> .....	<b>15</b>
<b>МАҲДУМИ АЪЗАМ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ЁШЛАР ТАБИЯСИ МАСАЛАСИ. <i>Зоиров Э.Х.</i></b> .....	<b>17</b>
<b>ФОРМИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ У МОЛОДЁЖИ УЗБЕКИСТАНА. <i>Исаева Р.А.</i></b> .....	<b>19</b>
<b>ЁШЛАРДА БАРҚАРОРЛИК НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ. <i>Вохидова М.Т., Мирзаева М.У.</i></b> .....	<b>22</b>
<b>ТАЛАБА – ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – МУҲИМ ВАЗИФА. <i>Каримов Б.</i></b> .....	<b>25</b>
<b>ФИТРАТ ЕТИМ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ХУСУСИДА. <i>Раҳмонова М.</i></b> .....	<b>29</b>
<b>РУДАКИЙНИНГ ЁШЛАР ВА КОМИЛЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ. <i>Азимов А.А.</i></b> .....	<b>31</b>
<b>ТАЛАБА ЁШЛАР ОНГИДА МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>Султонова Л.С.</i></b> .....	<b>33</b>
<b>ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ. <i>Турдикулова Н.</i></b> .....	<b>36</b>
<b>ГОСУДАРСТВЕННАЯ МОЛОДЕЖНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА. <i>Каюмова Л.Ш.</i></b> .....	<b>38</b>
<b>ЁШЛАР КАМОЛОТИДА УМАР ХАЙЁМ ҒОЯЛАРИНИНГ ЎРНИ. <i>Шодиев Ж.Ж.</i></b> .....	<b>41</b>
<b>ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР. <i>Алимова Ш.Б.</i></b> .....	<b>43</b>
<b>ЁШ АВЛОДДА ТАРИХ ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ МАНБА. <i>Ҳайдаров Ю.Х.</i></b> .....	<b>45</b>
<b>ЁШЛАРНИНГ ТАРБИЯСИДА ШАКЛЛАНИШЛАРИДА ФОРОБИЙ БИЛИМЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. <i>Муртазаев Ш.Б.</i></b> .....	<b>49</b>
<b>УМАР ХАЙЁМ ФАЛСАФАСИДА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ АҲАМИЯТИ. <i>Шодиев Ж.Ж.</i></b> .....	<b>52</b>
<b>ДАҲБЕД МАКТАБИ ВА УНИНГ ТАСАВВУФДАГИ ЎРНИ. <i>Ғафуров Д.О., Соҳибова Н.С.</i></b> .....	<b>54</b>